

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ

ОРГАНЛАРИ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХОДИМИНИНГ

ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.

РАСМИЙ МУЛОҚОТ ЭТИКАСИ.

Беруний Алимов

ЎзМУ Олий журналистика

курслари раҳбари

25. 06. 2014 й.

АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

- Имиж тушунчаси.
- Ахборот хизмати ходимининг имижи.
- Нутқ ва мулоқот одоби.
- Қўл ишоралари ва ҳаракатлар.
- Расмий мулоқот.
- Миллий ва хорижий ОАВ вакиллари билан мулоқот.
- Қийинишнинг 10та қоидаси.



ҚИЁФАЛАР ЖАНГИ

- Сўнги йилларда кишилик жамиятида бир-бирларига ташқи ва ички қиёфа орқали таъсир ўтказиш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Назарий жиҳатдан ушбу янги механизмларни **ИМИЖИОЛГИЯ** фани ўрганадиган бўлди.
- Тўғри, ҳаммага ҳам табиат томонидан чиройли, ўзига мафтун этадиган қиёфа инъом этилмаган. Лекин кўплаб кишилар бундай симпатияни, мафтункор қиёфани ўзларининг билими, тафаккури, қолаверса санъаткорлиги билан қўлга киритадилар.
- Бу каби қобилият янги шароитларга осон мослашиш, коммуникативлик, нотаниш кишилар ўртасида ўзига нисбатан ишонч уйғота олиш, бошқа кишилар фикри ҳамда тортишувларига бағрикенглик билан муносабатда бўлиш, муаммоли ёки ёрдамга муҳтож кишилар билан мулоқотга кириш ва масалаларни ўз вақтида ҳал этиш каби фазилатларни талаб этади.
- Глобаллашув даврида сиёсат сахнасида лидерларнинг тафаккури, илгари сураётган ғоялари билан бирга уларнинг қиёфалари ҳам жангга киришмоқда.



ИМИЖ. УМУМИЙ ТУШУНЧА.

- Имиж (ингл. image ['imidʒ]) - “образ”, “тасвир”, “акс” – психологик таъсир орқали жамоатчилик ёки шахс онгида шаклланадиган сунъий образ. Имиж тарғибот, пиар ва реклама ёрдамида жамоатчилик онгида объектга нисбатан маълум бир муносабатни шакллантириш мақсадида яратилади.
- Унда шахс ёки ҳудуд ҳаётидан олинган реал маълумотлар, объектга доир ҳаққоний тавсиф ва таснифлар, баъзан эса аксинча - кўпиртирилган сифат, уйдирма хосса ва хислатлар алоҳида кўринишда, айрим ҳолатларда эса биргаликда келтирилиши ҳам мумкин.



АХБОРОТ ХИЗМАТИ



АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХОДИМИНИНГ ИМИЖИ

- Ахборот хизмати ходимининг ташқи кўринишига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки у кун давомида жуда кўп одамлар билан мулоқотда бўлади. Назарий қоидаларга кўра, матбуот котиби давлат ташкилоти ёки компаниянинг **«ЮЗИ»** ҳисобланади.
- Ходимнинг кийими у ишлаётган жойга, муассасага мос бўлиши керак. Матбуот котиби ишхонада, матбуот анжуманларида ва брифинглар чоғида расмий костюмда бўлиши талаб этилади.
- Баъзида тадбирнинг табиатидан келиб чиқиб, костюм ўрнига оддий ва қулай либос кийиш мумкин.
- **Умуман олганда** бу касб кутилмаган воқеаларга жуда бой ҳисобланади. Айрим ҳолатларда эртанги иш куни ёки кейинги ҳафта нима билан бошланганини ҳансум оддийдан айта олмайди



ТАРИХГА БИР НАЗАР

- 1906 йил 28 октябрь куни АҚШдаги Пенсилвания темир йўллари компаниясига тегишли поезд ҳалокатга учраб, 50 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган эди.
- Айнан шу куни замонавий PR асосчиси дея эътироф этиладиган **Айви Ледбеттер Ли** (*Ivy Ledbetter Lee*) тарихда илк пресс-релизни яратиб, компанияга ёлланган матбуот котиби вазифасини бажарган.



АЙВИ ЛЕДБЕТТЕР ЛИ
(*IVY LEDBETTER LEE*)

PR АСОСЧИСИ



ЭТИКА. УМУМИЙ ТУШУНЧА.

- Этика-ахлоқ (араб. хулқнинг кўплиги, лот. *moralis*-хулқ-атвор) - маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларида бири, маънавият соҳасига оид тушунча бўлиб, хулқ-атвор, юриш-туриш, тарбия деган маъноларни англатади.
- Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йиғиндиси.
- Маънавият : асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т. : Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.- 48-б.



ТАРИХИЙ НЕГИЗЛАР

- “Қобуснома” (Қайковус. XI аср) да шундай ёзилади: “
- ...Тилингни яхши ҳунар била ўргатгил ва мулойим сўздин бошқа нарсани одат қилмағил. Нединким, тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатғил, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобоп эшитилур.
- Шунинг учун беҳуда сўзламағилки, фойдасиздур...”



АҲЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАР ИНСОННИНГ МАДАНИЯТИГА, ТАРБИЯСИГА, ҚОЛАВЕРСА АТРОФ-МУҲИТГА КЎРА БЕЛГИЛАНАДИ.

БУЛАР:

- муомала маданияти;
- тарбия;
- миллий урф-одатлар, қадриятлар;
- билим-савия;
- бошқа динлар ва урф-одатларни тушуниш, ҳурмат қилиш;
- ирсий келиб чиқиш.
- Булардан ташқари инсоннинг зиёли шахс эканлигини белгиловчи ташқи ва ички мезонлари ҳам мавжудки, биз кўпинча беихтиёр қуйидагиларни биринчи ўринга қўямиз:



ТАШҚИ ВА ИЧКИ МЕЗОНЛАР:

- **Ташқи:**
- Инсоннинг ташқи кўриниши;
- Муомала маданияти;
- Маълум ҳаётий жараёнда ўзини тута билиши;
- Ва ҳк.
- **Ички:**
- Дунёқараши;
- Тафаккури;
- Касб-кори;
- Бошқа одамларга муносабати;
- Ва ҳк.



- Ахборот хизмати раҳбари, умуман минбар, микрофон ва видеокамера орқали кенг оммага юзланувчи соҳа вакиллари нутқ масалаларига алоҳида эътибор қаратишлари керак.
- **Чунки сўз хосиятли, нутқ моҳиятлидир.** Уни ҳис этиш, ўринли қўллаш ўзига хос мезон ва меъёрлар билан боғлиқ.





- Нутқ маҳорати бу оддий нутқ эмас, балки фикрни содда ва чиройли ифода эта олишдир. Айрим бошловчилар кўп сўзлайдилар. Бу борада “Сўзни сақлаб сўзлаганлар хўб билур сўз қадрини, фарқи йўқ, кўп сўзлаганлар на билур ўз қадрини” ҳикматини келтириш ўринли.



- Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, қисқалиги, соддалиги, софлиги, бойлиги, жўялилиги, таъсирчанлиги, образлилиги, равонлиги унинг хусусиятлари бўлса, иккинчиси овоз, нафас, дикция, интонация, оҳанг, урғу, тўхтам, овоз тембри ва ҳоказолар нутқ техникасидир.



НУТҚНИНГ ТЎҒРИЛИГИ

- Нутқнинг тўғрилиги, деганда, даставвал, унинг адабий тил меъёрларига мос келиши тушунилади. Нутқнинг тўғрилиги ҳақида фикр билдира туриб, В.Г.Костомаров шундай ёзади: «Нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шарти сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган нормасига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий луғат ва грамматик нормаларини эгаллашни тушуниш лозим булади».



Нутқнинг аниқлиги



Нутқнинг тўғри бўлиши урғу ҳамда грамматик нормани пухта билишни талаб қилади. Матнни ўқишда, сўзлаб беришда бу мезон тўла амал қилади. Урғу ҳар бир тилнинг табиатига кўра турли ўринларда қўйилади. Сўзлардаги баъзи бўғинларнинг зарб билан айтилиши, яъни урғунинг маъно ва мазмунни ифодалашдаги аҳамияти катта. Сухандон ёки журналист телетомошабин билан қайси тилда мулоқотда бўлса, ўша тилдаги урғунинг ўрни масаласига эътибор қаратиши лозим.

НУТҚНИНГ МАНТИҚИЙЛИГИ

- Юқорида кўриб чиққанимиз аниқлик ва тўғрилиқ сифатларисиз нутқнинг мантиқийлигини тасаввур этиш қийин. Аниқ ва тўғри бўлмаган нутқ мантиқсиз ҳамдир.



НУТҚНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ

- Нутқ таъсирчанлиги, асосан оғзаки нутқ жараёнига тегишлидир.
- Нотиқ мулоқоти билан телебошловчи мулоқоти орасида фарқ бор.
- Нотиқ тингловчи билан юзма-юз туради. Уларнинг кайфиятига, ҳолатига, бутун бир вазиятга қараб иш тутади.
- Телебошловчи эса бу жараённи тасаввур этиш орқали амалга оширади.

© 2007 WILLIAM WATSON
www.watson.com



ҚЎЛ ҲАРАКАТЛАРИ

- Қўл ишоралари ва ҳаракат имижнинг муҳим бир қисмидир. Баъзан шундай бўладики, айнан, қўл ишоралари инсон кайфиятини аён этади, гарчи у буни истамаса ҳам.
- Ҳаркатлар тез ва шиддатли бўлиши керак эмас. Қўлни кўкрак устида чалкаштириш мумкин, лекин бу суҳбатни тўхтатиш хоҳишини ёки суҳбатдошга нисбатан норозиликни англатади.
- Суҳбат чоғида вақтни чўзиб, узайтириб кўрсатувчи ҳаракатларни қилиш керак эмас. (Масалан, тамаки чекиш ёки кўз ойнак ойналарини артиш). Бу ҳаракатлар жавобгарлик маъсулиятидан қочишни ҳам англатади.



ҚЎЛ ҲАРАКАТЛАРИ

- **Қўл бериб кўришишда** турли мамлакатларнинг маданиятлари бир-биридан фарқ қилади. Қўл бериб кўришиш турли мамлакатларда турлича қабул қилинади. Европада қўл бериб кўришиш одамлар ўртасидаги оддий ҳолат ҳисобланади.
- Шарқда эса бутунлай бошқача. Уларнинг маданиятига кўра эркакларнинг ўзи биринчи бўлиб қўл узатишмаса, аёлларнинг ўзи уларга қўл узатиши мумкин эмас.
- Шошилмасдан сўзлаш лозим. Чунки хорижлик ҳамкорлариниз нафақат сизни яхши тушуниши, балки талаффузингизга кўникишлари ҳам керак.
- Этикетнинг олтин китоби.-Т.: Янги аср авлоди, 2010.-249-250-бетлар.



НАЗОКАТ ҚОЙДАЛАРИГА КЎРА:

- расмий идорага бош кийимда кириш ва баланд овозда гапириш;
- шовқин солиш, атрофдигиларга ҳалал бериш ва ғашига тегиш;
- бошқа дин, эътиқод, миллат ё давлатни ерга уриш;
- бировнинг камчилиги ва хатоларидан кулиш;
- ўзига узатилган қўлни намойишкорона олмаслик;
- суҳбатдошни ҳақорат қилувчи сўзлар айтиш;
- хат ёки совғани қайтариб юбориш;
- ҳамсуҳбатнинг яқин кишиси ҳақида менсимай гапириш мумкин эмас.



ТУРФА ФИКРЛАР

- **Husan Tangriyev** Матбуот котибининг имиджи у ишлаётган ташкилотнинг имиджи билан уйғунлашган бўлиши керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда бу борада ортиқча ўйланишга ҳожат йўқ! Масалан. Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати ходимлари учун божхоначи формасидан аъло имидж йўқ!
- **Манзура Бекчонова** Биринчи ўринда камтар, маданиятли, муомалали бўлиши керак.
- **Фахриддин Низамов** Он должен уметь врать, как и его босс.



ТУРФА ФИКРЛАР

- **Бекзод Шукуров** Матбуот котиби ўзи ишлайдиган ташкилотнинг жомоатчилик тасавуридаги қиёфасини яратади. Матбуот котиби ахборот оламида мазкур ташкилотнинг юзи бўлиши керак!
- Демак, матбуот котибини фақатгина ундан ахборот олишдан манфаатдор бўлган журналистлар эмас, балки, кенг жамоатчилик, айниқса ҳаёти, фаолияти шу ташкилот фаолияти билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган кишилар яхши таниши керак. Бирор бир ташкилотдан ахборот олиш керак бўлса ёки шу ташкилот ҳақида гап кетса матбуот котиби келаверсин одамларнинг кўз олдига. Мен шундай деб ўйлайман.



ТУРФА ФИКРЛАР

- **Руслан Гайсин** Думаю для начала он должен вообще быть. Именно пресс-секретарь, с соответствующими полномочиями и правами, а не лицо совмещающее. И имидж должен формироваться соответственно представляемому им ведомству. Ну и конечно же он должен быть доступен для общения с представителями СМИ.
- **Sherzod Kudratkhodjaev** Не знаю каким должен быть имидж! Какой человек такой и имидж.. А пресс-секретарь должен сочетать в себе талантливое журналиста и гибкого чиновника. Образно говоря два в одном: Познер и Лавров, не знаю, я так думаю!



Кийинишнинг 10та қоидаси

○ 1 - Қ О И Д А

Ҳеч қачон костюм билан спорт оёқ кийимини, пойафзалини кийманг. Бу кийимлар ҳеч қачон бир-бирига тўғри келмайди.

○ 2 - Қ О И Д А

Костюм кийиб, спорт типига ўхшаш сумка тутманг. Имкони борича қоғозларни ва зарур нарсаларни дипломатда, портфел ёки папкада олиб юринг. Сумка бир хил рангда бўлиши зарур.

○ 3 - Қ О И Д А

Гарчи сиз костюм кийган бўлсангиз, бўйинбоғ тақишни одат қилишни унутманг. Костюмни бўйинбоғсиз киймайдилар. Спорт – бичимидаги костюмлар бундан мустасно. Уларни футболка билан ҳам кийиш мумкин. Лекин бундай костюм корхонага, ишга кийиладиган кийимлар сирасига кирмайди.

Икки бортли костюмни бўйинбоғсиз кийиб бўлмайди.



Кийинишнинг 10та қоидаси

○ 4 - Қ О И Д А

Костюм ичидан кийиладиган кўйлакнинг енги узун бўлиши зарур. Агар кўйлакнинг енги костюмнинг енгидан 1,5 – 2 см чиқиб турса жуда кўркам кўринади. Яъни, кўйлакнинг сизга қандай кўриниш бераётганлигига эътибор қаратинг.

Кўйлакнинг кўкрак чўнтаклари бўлмаса мақсадга мувофиқ бўлади.

○ 5 – Қ О И Д А

Бўйинбоғнинг тортиладиган қисми устки қисмининг орқасида қолиши керак. Галстукнинг учи шимнинг камаригача етиб борганлигига аҳамият беринг.

○ 6 - Қ О И Д А

Иш вақтида кийимингиз кўзга яққол ташланадиган бўлмасин. Мулоқот даврида кўзга яққол ташланмайдиган кийим-костюм кўркамлик белгиси ҳисобланади. Жуда ёрқин рангли костюмларни киймангиз. Кенг тарқалган ранглар – тўқ кўк ва тўқ кул ранглардир. Ола-була ва тўқ рангли кўйлакларни кийманг. Бўйинбоғ ёрқин рангли ва каштали бўлмаслиги зарур. Пайпоқ ранги ҳам тўқ рангда бўлиши керак.



Кийинишнинг 10та қоидаси

○ 7 – Қ О И Д А

Агар сиз қандай кўйлак ва пойафзал кийишни билмасангиз, оқ кўйлак ва қора пойафзал кийиш мақсадга мувофиқдир.

○ 8 - Қ О И Д А

Бўйинбоғ боғланган ҳолда, унинг пастки қисми камарнинг устида туриши керак.

○ 9 - Қ О И Д А

Бўйинбоғ кенглиги костюм лацка (устки кийимнинг кўкракдан қайриб қўйиладиган ёқаси)ни-ёқаларига монанд бўлиши керак.

○ 10 - Қ О И Д А

Бўйинбоғ костюмдан ёрқинроқ, кўйлақдан тўқроқ бўлиши керак.



БИР НЕЧА ФОЙДАЛИ МАСЛАХАТЛАР

- Ёрқин костюмларни кундузи кийинг, кечқурун тўқ рангли костюм мақсадга мувофиқ.
- Расмий шароитда костюм тугмалари тақилган бўлиши керак. Костюм тугмаларини фақат кечки овқат пайтида ёки театр ўриндиқларида ўтирганда ечиш мумкин. Уриндан турилганда устки тугмани тақиб қўйиш зарур.
- Байрамга кийиладиган костюмни доимо тартибда сақлаш зарур. Бу қоида пойафзал, пайпоқ ва запонка (галстукка тақиладиган безакли тўғнағич)ларга ҳам тегишли.
- Костюм қулай бўлиши керак.
- Доимо модага риоя қилаверманг. Модага монанд кийиниб, ярашмаган кийимни кийгандан кўра, модали кийим киймасдан, ярашган кийим кийган яхшироқдир.



БИР НЕЧА ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

- Ёнингизда 2 та рўмолча олиб юринг. «Биринчиси» (яъни доимийси) - шимингизнинг чўнтагида турсин. «Иккинчиси» - мутлоқ тоза ҳолда костюмигизнинг ички чўнтагида турсин.
- Капалаксимон-бабочка бўйинбоғи, расмий учрашувларга ва йирик байрамларга мўлжалланган, улар тўқ рангли костюм билан тақилади.
- Кечки костюм учун тақиладиган бўйинбоғ табиий матодан ёки сунъий шойидан бўлиши керак.
- Агар бўйинбоғ сифатли матодан тикилган бўлса, ечинаётганда уни тугунидан ечиш мумкин.
- Бўйинбоғ арзон матодан тикилган бўлса, тугунини бўшатиб, бош орқали ечиш керак.



ХУЛОСА:

- Ахборот хизмати ходими ўз фаолияти билан кенг оммани ягона миллий ғоя остида жиҳслаштиришга, халқимиз ўртасида бирлик, ҳамжиҳатлик, сафдошлик туйғуларини мустаҳкамлашга, шу орқали миллатимизни порлоқ истиқбол сари дадил, олға боришга кўмак беришни унутмаслиги керак;
- Шунингдек, у аҳолининг онг ва тафаккуридаги оммавий ахборот воситаларига, энг муҳими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, хусусан жамиятнинг барча бўғинларида хизмат қилаётган раҳбар ва мутасадди ходимларга бўлган ишонч ҳамда ҳурмат туйғусини шакллантириб бориш зарурлигини англаши даркор.



АДАБИЁТЛАР:

- Ислом Каримов. “Юксак маънавият - енгилмас куч”. - Тошкент, “Маънавият”, 2008 й. 119-б.
- Дўстмуҳаммад Х.Н. Журналистнинг касб одоби муаммолари. –Т.: Янги аср авлоди. 2007. 71-б.
- Кайковус. Қобуснома.Т.: Ўқитувчи, 2011. 38-бет.
- Мур Д.Э. Принципы этики. М.: Прогресс. 1984. С. 42-59.
- Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста. М.: 1992. С. 37.
- Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари.Т. “Маънавият”, 2006. 9-б.
- Abdullayev В. “Qiyofa”lar jangi, “Hurriyat” gazetasi, 7-dekabr, 2006.
- Алимов Б. Халқаро имижни оширишда профессионал этика нормаларининг ўрни ва роли. “Ўзбекистон матбуоти” журнали. 2014 йил. 2-3–сонлар.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН ТАШАККУР!

